



## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Кудайбергенова Гузал Куанишбаевна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Молия кафедраси катта ўқитувчуси

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 6

DOI:[https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1\\_iss6/a13](https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss6/a13)

### ABSTRACT

Мазкур маколада маҳаллий бюджетнинг даромадлари самарадорлиги ошириш бўйича назарий ва илмий қарашлар баён қилинган. Шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари худудлар кесимида охирги йиллар маълумотлари асосида таҳлил қилинган. Хусусан, маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадлари таҳлили бўйича тадқикотлар амалга оширилган. Жумладан, маҳаллий бюджетнинг даромадлари самарадорлигини ошириш бўйича илмий ва амалий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

### KEYWORDS

Маҳаллий бюджет, солиқли даромадлари, солиқсиз даромадлари, тартибга соловчи даромадлар, биринчирилган даромадлари

### Introduction (Kirish/Введение)

Жаҳонда маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларини барқарор тушумни таъминлаш солиқлар йигилувчанлик даражасини янада ошириш борасида чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Иктисодий Ҳамкорлик ва Тараккиёт Ташкилоти(ИХТТ)га аъзо давлатларда «маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларининг ЯИМдаги улуши Швецияда - 15,2 фоиз, Данияда-12,0 фоиз, Японияда -7,4 фоиз, Белгияда -2,1 фоиз, Чехияда-1,7 фоиз, Австрияда -1,3 фоиз, Грекияда -1,0 фоизни ташкил этган» [1]. Маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш ва маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигига эришишда солиқли даромадларни такомиллаштириши тақозо этмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида худудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириши таъминлаш, худудларнинг табиий-хомашё, ишлаб чиқариши ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва фаравонлигини изчил ошириб боришга каратилган илмий изланишларга ёътибор каратилмоқда. Маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет даромадларини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган тизимли чора-тадбирларни изчил давом эттириш маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини тартибга солишининг самарали механизмини яратиш борасида кенг миқиёсда тадқикотлар олиб борилмоқда. Ушбу изланишларда иқтисодиётнинг хозирги ривожланиш босқичида самарали ҳудудий солиқ сиёсатини шакллантириш масалалари долзарблик касб этмоқда.

### Literature review (Adabiyotlar tahlili/Литературный обзор)

Маҳаллий бюджет даромадлари самарадорлигини ошириша хорижлик олимлар А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, Д.Вайлдасин, У.Оутс, Р.Масгрейв, Ф.Хайк илмий асрларида учрайди.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солишининг концептуал асослари МДҲ мамлакатлари олимлари А.Бабич, Л.Гончаренко, В.Пансков, В.Пушкирева, И.Майбуров, Н.Миляков, В.Родионова, М.Романовский, Т.Ткачева, Д.Черник, Т.Ютиналарнинг илмий тадқикотларида тадқик этилган.

Маҳаллий бюджет даромадлари самарадорлигини оширишнинг тадқик этишининг айrim жиҳатлари маҳаллий иқтисоди олимлар хусусан, А.Исламкуловнинг фикрича «маҳаллий бюджет даромадлари бир томондан ишлаб чиқариш жараёнининг иштироқчилари ўртасида ялни ички маҳсулот қийматини тақсимлаш натижаси хисобланса, иккинчи томондан маҳаллий аҳамиятга эга пул жамғармасини шакллантиришга хизмат қилувчи қийматдир» [2].

А.Хайдидиновнинг фикрича «маълум бир нисбатдаги биринчирилган ва тартибга соловчи даромадлардан иборат бўлган, алоҳида олинган маҳаллий маъмурий худуд доирасидаги бюджет тадбирларини ўз вақтида ва белгиланган суммаларда узлуксиз молиялаштириш имкониятини таъминлашга маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлиги дейилади»[3]. Муаллиф маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлиги таъсири кўрсатадиган омилларни бевосита ва билвосита гурухларга ажратган ҳолда таҳжил этган.

Ш.Мусалимовнинг фикрича, «маҳаллий бюджетларнинг даромад салоҳияти кенг маънода ҳудуд маҳаллий бюджетларнинг мавжуд бўлган максимал ресурслар йигиндиси хисобланади» [4].

Хорижий олимлардан Т.Ткачеванинг фикрича, «ҳудудлар даражасидаги бюджетни комплекс тақомиллаштириш асосида ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун жалб қилинган молиявий ресурсларнинг ҳудудий бюджет ҳаритасини шакллантириш, бюджет маблагларини ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга сарфлаш самарадорлигини баҳолашнинг янги воситаларидан фойдаланиш лозим бўлади»[5].

Г.Морунованинг фикрига кўра, «замонавий муниципал маблагларнинг асосий ажралиб турадиган хусусияти, асосан, маҳаллий бюджетлар томонидан ифодалангандиги билан боғлик бўлиб, «муниципал молия» деганда маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёридаги маблагларни шакллантириш ва сарфлаш учун пул муносабатларининг мажмую тушунилиши керак»[6].

Д.Некайчук, Ю.Некайчукларнинг фикрича «маҳаллий бюджет даромадлари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асосининг мухим таркибий қисми сифатида маълум маъмурий-ҳудудий бирлик таркибидаги маблагларни аҳолининг айrim гурухлари, иқтисодиёт тармоклари фойдасига

қайта таксимлаш, улар ривожланишини тартибга солувчи восита сифатида ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг барқарорлиги ва жамият мутаносиб ривожланишининг асосий белгилочи мезонидир»[7].

Юкоридаги иктиносиди олимларнинг асосий диккат марказида маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш ва барқарорлигини таъминлаш, уларнинг даромад базаларини мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий бюджетлар даромад манбаларини кенгайтириш ва шу асосда маҳаллий давлат ҳокимиияти органларининг молиявий мустақилигини таъминлаш каби масалаларга нисбатан кенгроқ ўрин берилган.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солиш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш иктиносиди ҳамда хукукий омилларга боғлиқ бўлиб, бир гурух иктиносиди олимлар ушбу омиллар сифатида маҳаллий ҳокимиият органлари ваколат ва маъсулитини ошириш нуктаи-назаридан, бир гурух олимлар эса маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш орқали молиявий барқарорликка эришиш ўйларини, бошқа бир гурух иктиносичилар эса даромадлар ва ҳаражатлар мутаносиблигига эришиш орқали таъминлаш мумкинлигини эътироф этиб ўтади.

Ҳ.Қобуловнинг фикрича «худудларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларининг ўз вактида бажарилиши маҳаллий ҳокимиият органлари самарали фаолиятининг асосий шартидир». Муаллиф фикрича «маҳаллий бюджетларни шакллантириша бир катор муаммоларнинг мавжудлиги, маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини ошириш, хусусан, уларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишини тақазо этади»[8].

У.Ўроқовнинг фикрича «маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш, кўшимча даромад манбаларини шакллантириш ва захираларини аниқлашда маҳаллий давлат ҳокимиияти органлари манфаатдорлигини ошириши»[9] кераклигини таъкидлайди.

Айрим иктиносичиларнинг фикрига кўра, «бюджет тизими бюджетларининг номарказлаштирилиши бюджет даромадлари ваколатлари ва бюджет ҳаражатлари мажбуриятлари борасидаги турли даражадаги бошқарув органлари орасидаги мувозанатни таъминлашга қартилган қатор чораларнинг амалга оширилиши билан боғлиқдир»[10].

С.Чепек, О.Чепекларнинг фикрича «маҳаллий бюджетни максимал даражада тўлдириш ва мавжуд молиявий ресурслардан самарали фойдаланишида асосий жиҳат маҳаллий бюджетнинг даромад кисмини кўпайтириш ва маҳаллий ҳокимииятнинг молиявий мустақилигини таъминлаш лозимдир» [11]. Муаллифлар маҳаллий бюджетларни ривожлантириш ва улардан оқилона фойдаланишини яхшилаш учун ўрта муддатли режалаштириш ва бюджетлаштиришнинг натижаларга йўналтирилган тамойилларни мустаҳкамлаш, бюджет тизимини янада номарказлаштириш талабини кабул килиш ва ҳақиқий бюджет мустақилигини таъминлаш ҳамда барча даражадаги бюджетлар ва уларнинг шаффоғлиги устидан самарали назоратни таъминлаш мухимлигини таъкидлайди.

### Research methodology (Tadqiqot usullari/Методы исследования)

Тадқиқот ишида таҳлил ва ёндашув, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гурухлаштириш ва умумлаштириш, индукция ва дедукция, эксперт бахолаш ва прогнозлаштириш, ўзаро ва қиёсий тақослаш усусларидан фойдаланилган.

#### Analysis and results (Tahlil va natijalar/ Анализ и результаты)

Мамлакат худудлари кесимида маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланиши жараёнин ҳамда сўнгти ўйлардаги ўзариш динамикасини таҳлил киладиган бўлсак, мазкур даромадларнинг таҳлил килинаётган ўйларда мунтазам ўзариш борганигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин, таҳлил этилаётган ўйларда худудлар маҳаллий бюджетлари даромадлари ошиб бориши тенденциясига эга бўлган.

2015 йилда маҳаллий бюджетлар даромадлари ижроси 14464,7 млрд.сўмга, 2016 йилда эса 16302,6 млрд.сўмга, 2017 йилда 18536,3 млрд.сўмга таъминланган. 2018 йилга келиб маҳаллий бюджетлар даромадларининг амалдаги тушуми 22944,3 млрд.сўмни ташкил этиб, режа кўрсаткичлари 124,3 фоизга бажарилган. 2018 йил учун

### 1-жадвал Маҳаллий бюджетлар даромадлари ўзариши динамикаси<sup>1</sup>, млрд.сўмда

T/p	Хукуллар номи	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й
1.	Қоракалпогистон Республикаси	716,7	949,5	1292,2	2241,1	2953,3	2743,9	1869,2
2.	Андиқон вилояти	928,3	1051,1	1264,8	1709,0	2624,6	2105,9	2418,5
3.	Бухоро вилояти	1098,4	1194,8	1335,6	1383,0	2409,5	1782,9	2374,1
4.	Жizzax вилояти	396,2	478,6	715,4	948,3	1240,9	1058,0	1460,4
5.	Кашқадарё вилояти	1587,7	1765,0	1786,6	2341,1	3783,9	2468,8	2722,1
6.	Навоий вилояти	655,6	776,3	745,3	1217,1	1877,8	1540,9	1948,9
7.	Наманган вилояти	733,7	843,0	1032,1	1360,0	2237,8	1763,0	2297,0
8.	Самарқанд вилояти	1082,4	1304,6	1557,3	1970,8	2567,2	2385,6	3154,7
9.	Сурхондарё вилояти	720,0	823,3	1030,3	1378,3	1844,9	1605,7	1993,2
10.	Сирдарё вилояти	377,2	460,9	568,5	710,2	816,7	716,5	881,6
11.	Тошкент вилояти	1632,3	1817,7	1775,0	1949,3	3721,5	2395,5	3734,1
12.	Фарғона вилояти	1681,1	1780,1	2110,9	1833,2	3836,1	2677,3	3665,1
13.	Хоразм вилояти	683,9	731,5	881,4	1106,3	1467,3	1302,7	1743,1
14.	Тошкент шаҳри	2151,0	2326,2	2440,9	2796,4	3752,8	3156,3	4911,4
	<b>Жами</b>	<b>14464,7</b>	<b>16302,6</b>	<b>18536,3</b>	<b>22944,3</b>	<b>35134,2</b>	<b>27702,9</b>	<b>35173,4</b>

тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига ийл давомида, яъни I-IV чоракларда ўзгаришишлар киритилиши натижасида ийллик прогноз даромадлари 3 та худуд бўйича 308,3 млрд.сўмга камайтирилган бўлса, 4 та худуд бўйича шу суммага оширилган, яъни худудлар бўйича кайта таксимланган. Жумладан, даромадлар бўйича ийллик прогноз кўрсаткичлари Бухоро вилоятида 170,3 млрд.сўмга, Тошкент шаҳрида 95,0 млрд.сўмга ва Қоракалпогистон Республикасида 43,0 млрд.сўмга камайтирилган. Шунингдек, Тошкент вилоятида 68,0 млрд.сўмга, Сурхондарё вилоятида 37,1 млрд.сўмга, Наманган вилоятида 24,4 млрд.сўмга, Жizzax вилоятида 17,0 млрд.сўмга ва Давлат солик кўмитаси назоратидаги тушумлар бўйича 161,8 млрд.сўмга оширилган.

2019 йилга келиб маҳаллий бюджетлар даромадлари ижроси 35134,2 млрд.сўмни ташкил этиб режа кўрсаткичлари 117,7 фоизга бажарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли Қарорининг 34-банди, д-кичик бандида Қоракалпогистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳалқ депутатлари Кенгашларига ҳаражатларнинг этишмаётган суммасини алоҳидаги туманлар ва шаҳар бюджетларини режалаштиришда шаклланадиган ортиқча даромадларни бюджет даражалари ўртасида кайта таксимлаш ваколати берилган.

2019 йилда худудий Ҳалқ депутатлари Кенгашлари ҳамда маҳаллий ҳокимиият органлари карорлари мувофиқ Навоий вилоятида 60,0 млрд.сўмга, Самарқанд вилоятида 26,0 млрд.сўмга,

### 2-жадвал 2015-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида маҳаллий соликларнинг аҳамияти<sup>2</sup>, фоизда

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Давлат маскалди жамғармалар даромадлариниши - жами	100	100	100	100	100	100	100
Шундан:							
<b>Маҳаллий соликлар жами;</b>	<b>11,3</b>	<b>11,9</b>	<b>11,5</b>	<b>7,2</b>	<b>4,2</b>	<b>3,2</b>	<b>4,0</b>
Мол-мулк солиги	3,8	4,0	4,3	3,3	2,1	1,5	1,5
Ер солиги	2,1	2,4	2,2	1,9	2,1	1,8	2,5
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурни ривожлантириш солиги*	2,0	1,8	1,4	-	-	-	-
Бензин, дизель ёқилинси ва газ ишлатганинишларни учун одилинадиган солиги**	3,4	3,7	3,6	2,0	-	-	-

\* Узбекистон Республикасининг 30.12.2017 йилдаги "Солик мазъумиятинини тақомиллаштиришни муносабати билан Узбекистон Республикасининг айрам конуни хужжатларига ўзгартиши" тартибида берилган.

\*\* Узбекистон Республикасининг 24.12.2018 йилдаги "Солик мазъумиятинини тақомиллаштиришни муносабати билан Узбекистон Республикасининг айрам конуни хужжатларига ўзгартиши" тартибида берилган.

Сурхондарё вилоятида 42,8 млрд.сўмга, Тошкент вилоятида 73,9 млрд.сўмга маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва ҳаражатлари тенг миқдорда оширилган. 2020 йилда маҳаллий бюджетлар даромадлари амалда 27702,9 млрд.сўмни, 2021 йилда 35173,4 млрд.сўмни ташкил этган.

Бугунги кун амалиётида ушбу биринчирилган соликлар ва йигимлардан тушумлар маҳаллий бюджетларини бермаяти. Бу борадаги муаммолар бир қатор тадқиқотларда ҳам қайд этилган. «Маҳаллий соликлар ва йигимлар маҳаллий бюджетлар таркибида биринчи молиявий манба сифатида каралса ҳам, бу соликлар ва йигимлар маҳаллий бюджетларга биринчирилган ҳаражатларини етарли молиявий манба бўла олмайди»[12].

Маълумки, бугунги кунга келиб мол-мулк ва ер соликлари маҳаллий бюджетлар соликлари сифатида қайд килинади. 2015-2021

йилларда маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаи хисобланган ушбу соликларнинг улуши юкори эмас.

Маҳаллий соликларнинг улуши ташкил этилаётган йилларда ўртача 8,2 фоизни ташкил этиб сўнгти йилларда камайиш тенденциясига эга бўлмокда. Мол-мулк солигининг улуши 2015 йилда 3,8 фоизни ташкил эттани холда 2021 йилга келиб 1,5 фоизни ташкил этиб камайиш кузатилмоқда. Ер солигининг улуши эса 2015 йилда 2,1 фоизни ташкил этган холда 2021 йилга келиб 2,5 фоизни ташкил этган ҳамда ўсиш қайд этилган. Жадвал маълумотлари шуну кўрсатади, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги ва бензин, дизель ёқилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган соликнинг республика соликларига бирлаштирилиши маҳаллий бюджет даромадларида ушбу соликларнинг камайишига олиб келган. Кўринадики, маҳаллий бюджетлар даромадларини фақат бириткирилган даромадлари яъни, ушбу соликлар хисобига тўлиқ шакллантириш имконияти камайган.

#### **Discussion (Muhokama/Обсуждение)**

Маҳаллий бюджетлар даромадларини бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланадиган соликлар хисобига шакллантирилиши улар харажатларини маҳаллий бюджетларнинг бириткирилган даромадлари хисобланган соликлар ва бошка даромадлар хисобига молиялаштириш имкониятининг йўклиги билан ифодаланади.

Назаримизда, амалда шаклланган солик тизимида муаммоларни рад этмаган холда, давлат томонидан иқтисодиётга маъмурий йўллар билан таъсир ўтказиш даражасининг юкорилиги иқтисодиётни ривожлантириш имкониятиларни чеклаб кўймоқда. Айниска, мамлакат худудларининг ривожланиши даражасини кескин фарқ килиши шароитида соликлар тартибига солишининг асосий воситасига айланмас экан, бу борадаги муаммоларнинг тобора ортиб боришига олиб келиши мумкин.

Республикада тўлиқ бозор механизмини шакллантириш учун етарлича тажриба ва шарт-шароитлар мавжуд. Шундан келиб чиқиб, иқтисодиётга давлат аралашувини янада камайтиришга каратилган ислоҳотлар давом этирилиши ва иқтисодиётга давлатнинг аралашуви энг аввало солик механизми асосида амалга оширилиши максадга мувофиқ.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий баркарорлиги давлат бюджети даромадлари узлуксизлигини таъминлайди. Шу боисдан ҳам хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ва давлат ўртасида шундай оқилона механизм шакллантирилиши жоизки, бу механизм давлат бюджети манфаатларини ҳам, хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини ҳам ўзида ифода этиши лозим. Бунга биринчи навбатда солик юкини ва давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига таъсир этишини бошка воситларининг мейёр даражасида бўлиши оркалини эришиш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётта муйян даражада аралашувининг зарурлиги ушбу мейёрларга доим ҳам амал килиш имконини бермайди.

#### **References:**

1. Srivastava D. K., Sh. K. R. Goods and Services Tax: Revenue Implications and RNR for Tamil Nadu. – Madras School of Economics, 2018..
2. Исламкулов А.Х. Маҳаллий бюджетлар даромадлари баркарорлигини таъминлаш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2016 й., № 4.
3. Хайриддинов А. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг баркарорлигини таъминлаш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олини учун тақдим этилган дисс. автореферати. Тошкент– 2011. 21-б
4. Мусалимов Ш.И. Доходный потенциал местных бюджетов: особенности и проблемы формирования в современных условиях. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” Илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2020 й.б-16-24
5. Ткачева Т.Ю.Бюджетно-налоговые механизмы устойчивого развития регионов: теория и методология. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва 2019 стр-55.
6. Морунова Г.В. Муниципальные финансы в трансформационной экономике. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Санкт-Петербург-2020.стр-32
7. Нехайчук Д.В., Нехайчук Ю.С. Укрепление бюджетного потенциала для обеспечения финансовой независимости органов местного самоуправления. Science Journal of VolSU. Global Economic System. – 2018. - T.20. №1. – С. 99-109.
8. Қобулов Ҳ. Обеспечения финансовой устойчивости местных бюджетов путем улучшения финансового потенциала региона. Современная наука актуальные вопросы, достижения и инновации. г.Пенза, 20 мая 2020 г. стр-47.
9. Ўреков У.Ю. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) дисс автореферати. –Т.: 2020. –б. 57.
10. Хайдаров М.Т. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш масалалари. “Иқтисод ва молия” журнали 2017, №6. б-21-30
11. Чепик С.Г., Чепик О. В. Проблемы и перспективы формирования и рационального использования местного бюджета сельской территории. Финансы: Теория и Практика. -2019. – Т. 23. №2 -С.58-73.
12. Жўраев А. “Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари”. –Тошкент, “Фан”, 2004. – 84 б..

Иқтисодиётнинг шундай соҳалари мавжудки, бу тармокларга сармоя сарфлаш сармоя эгалари учун етарли даражада манфаат келтирмайди. Бундай ҳолларда давлат бюджети – молия, аниқроғи, соликлар орқали таъсир килиши, яъни соликка тортиш даражасини пасайтириши ёки бу тармокларни молиялаштириши, субсидиялар бериси ёки инвестиция килиши ва хоказолар орқали давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, уни тартибига солиши зарурати юзага келади. Бунда давлат бошқариши воситалари орқали талаб ёки таклифга, ташкил савдо оборотига, инфляцияга, истемолга, сармояларни зарурий йўналишга буришга таъсир ўтказишга ҳаракат килиади.

Тартибига солувчи соликларни ягона, барқарор мейёрлар асосидан 5 йилга қаттий белгилаб кўйиш лозим, бу бокимандаликни бартараф килишида ва маҳаллий давлат хокимияти идораларининг солик йигишдан манфаатдорлигини оширишда ҳамда солик базасини кенгайтиришда ижобий самара беради.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетларга ички ва ташки бозорларда замълаштириш хукукини бериш ҳамда уларни молия бозорларидаги фаолиятларини кенгайтириш, фикримизча маҳаллий бюджетларни ресурс базаларни кенгайтиришнинг кулаги ва самарали усулидир.

Мамлакатимиз худудларининг табиий, иқтисодий, ижтимоий шарт-шароитларидаги тафовутлар маҳаллий бюджетларнинг имкониятиларни чекланишига олиб келмоқда.

#### **Conclusions (Xulosa/Заключения)**

Маҳаллий бюджетларга бириткирилган соликлардан тушаётган даромадлар маҳаллий бюджетларнинг даромадларида катта салмоқда эга эмас. Фикримизча, бу нафакат маҳаллий бюджетларга бириткирилган соликларни жорий қилиш имкониятиларидан тўлиқ фойдаланмаслик билан балки маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибига солишида кўлланилаётган амалиёт билан боғлиқдир. Маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириши ва уларнинг молиявий баркарорлигини мустаҳкамлаш учун маҳаллий кенгашларга даромадларни тақсимлаш ва йўналитиришга доир ваколатлар бериш лозим. Маҳаллий Кенгашлар тегиши даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган соликларни ва бошка турдаги даромадларни ҳамда бюджетлараро трансферларни тақсимлаши орқали маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустакиллиги таъминланишига эришиш имконияти яратилади. Маҳаллий бюджетларнинг бириткирилган даромадлари хисобланган мол-мулк ва ер соликларидан тушумларда юридик шахсларнинг улуши юкоридир, бу эса ўз навбатида туман ва шаҳарларда ундирилаётган ушбу соликлардан тушумларнинг аксарият кисми юкори бюджетга йўналитираётганилигини, бу туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлар даромадлари баркарорлигига таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик ва ер соликларидан тушумларни туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига йўналитириш асосида маҳаллий бюджетлар даромадлари баркарорлигини таъминлаши имконияти яратилади.